
СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

**ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ АЁЛ ҚАВМ-ҚАРИНДОШЛИК
ТЕРМИНЛАРИДА ЛАКУНАЛАРНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ**

Исматуллаева Наргиза Расулжановна

Тошкент давлат шарқшунослик институти, Таржимашунослик кафедраси таянч докторанти
ismatullayeva.nargiza@gmail.com

For citation: Ismatullayeva Nargiza. LACUNARITY IN WOMEN KINSHIP TERMS IN CHINESE AND UZBEK LANGUAGES. International Journal of Word Art. 2019, vol. 3, issue 6, pp. 15-21



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-3-2>

Келиб тушган сана 20 июнь, 2019
Эълон қилинган сана 30 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хитой ва ўзбек тилларида аёл жинсига мансуб қавм-қариндошлик терминларидаги лакуналарнинг воқеланиши, уларнинг таржимадаги ифодаси каби масалалар ўрганилган. Хитой тили ва ўзбек лингвомаданияти чоғишмасида лакуналар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шунингдек, булар нафақат тил сатҳларида балки таржима жараёнида ва чет тилларини ўргатишда ҳам бир қатор мураккабликларни келтириб чиқаради. Шу маънода, лакуна ҳодисасини алоҳида тадқиқ этиш тақозо қилинади.

Таянч сўзлар: лакуна, лакунарлик, қавм-қариндошлик терминлари, мурожаат шакллари.

**ПРОЯВЛЕНИЕ ЛАКУН В РОДСТВЕННЫХ ТЕРМИНАХ ЖЕНСКОГО РОДА В
КИТАЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

Исматуллаева Наргиза Расулжановна

Докторант кафедры "Переводоведения",
Ташкентского государственного института Востоковедения
ismatullayeva.nargiza@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматриваются вопросы выявления лакун терминах родства женского пола на китайском и узбекском языках, а также их элиминация при перевода. До сих пор, лакуны в китайском и узбекском лингвокультурах не изучались как отдельный объект исследования. Феномен лакунарности создает ряд трудностей не только на уровне языка, но и при переводе и преподавании иностранных языков.

Ключевые слова: лакуна, лакунарность, термины родства, формы обращения.

LACUNARITY IN WOMEN KINSHIP TERMS IN CHINESE AND UZBEK LANGUAGES

Ismatullayeva Nargiza Rasuljanovna

Senior researcher of Department of Translation Studies, Tashkent state institute of Oriental languages
ismatullayeva.nargiza@gmail.com

ANNOTATION

This article deals with issues such as the revealing lacunas in in the female kinship terms in Chinese and Uzbek languages, and the elimination of these lacunas in translation. Lacunas in the Chinese and Uzbek linguacultures have not been studied as a separate research object. Phenomenon of lacunarity creates a number of difficulties not only on the language level, but also in the translation and teaching of foreign languages. In this sense, it is necessary to investigate the concept of lacuna.

Key words: lacuna, lexical gap, lacunarity, kinship terms, forms of address.

Дунёнинг ҳеч бир тили йўқки, унда кон-қариндошликка оид сўзлар тизими мавжуд бўлмаса. Қавм-қариндошлик сўзларининг ижтимоий-лисоний воқеланиши, табиийки, ибтиодий жамият давридан бошланган бўлиб, тадрижий жараёнда қариндошлик сўзлари қондошлик ришталарига кўра ўзаро фарқланиб бориши натижасида миқдор жиҳатдан кўпайган. Тилнинг ички ифода хусусиятларидан келиб чиқиб ва шевалар ҳисобига қариндошлик сўзларининг синонимик қаторлари ҳам бойиб борган. Жумладан, ўзбек миллати каби хан миллати ҳам оилани, оила аъзоларини, қариндошлик ришталарини ниҳоятда қадрлайди. Мил. ав. 6-5 асрларда яшаб фаолият юритган Хитойнинг буюк файласуфи, мутафаккири, педагоги Конфуцийнинг таълимотида ҳам оила, ота ва айниқса фарзандлик эҳтироми борасида турли қимматли қарашлари бўлган. Конфуций таълимотининг энг асос мазмунини ўз ичига қамраб олган унинг “Сухбат ва мулоҳазалар” асаридан шу борада бир қатор ҳикматли сўзлари келтирилган.

孝悌也者，其為仁之本與？ Xiào tì yě zhě, qí wèi rénzhī běn yǔ?

Ота-онани эҳтиром айлаш, оға-иниларнинг сўзларига қулоқ солиш – инсонпарварликнинг тамалидир! [1, 16]

Конфуцийнинг асаридан келтирилган мазкур жумлада 孝 xiào (фарзандлик эҳтироми, ота-онага эҳтиром кўрсатиш) ва 悌 tì (оға-иниларни хурмат қилиш) сўзлари ўзбек тилида бир сўз билан ифодаланувчи муқобилига эга эмас. Бу эса ўз навбатида икки тил орасида лакунарлик ҳодисаси воқеланишига олиб келади. Канадалик тилшунослар Ж.П. Вине ва Ж. Дарбелнелар мазкур ҳодисага шундай таъриф берган: “Бир тилдаги сўз бошқа тилда муқобилини топа олмаган ўринларда ҳар доим лакуна ҳодисаси воқеланади” [2, 145]. Тилшунос олим В.Г. Гак лакуналарни бу тил лексик тизимидаги бўшлиқлар бўлиб, унинг акс эттирувчи функцияси (яъни, объектив воқеий тушунча-ҳодисани ифода этиш вазифаси)дан ва тилнинг лексик тизимидан келиб чиқадиган бўлсак, тилда мавжуд бўлиши керакдек туюлсада, лекин сўзларнинг мавжуд бўлмаслигидир, дея изох беради [3,1].

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, хитой ва ўзбек тиллари қиёсида лақунарлик ҳодисаси қавм-қариндошлик терминлари орасида кўп учраши кузатилади. Қавм-қариндошлик терминларидаги лақунарлик ҳодисасини кўрсатиш учун мазкур мақоламизда улардан аёл жинсига мансуб сўзларни хитой ва ўзбек тиллари мисолида кўрсатишни жоиз билдик.

Хитой тилидаги аёл қариндош сўзлари, уларнинг мурожаат шакллари ўзбек тилидагига нисбатан анча кўп ва улар анча хусусий характерга эга бўлиб, ўзбек тилида лақуналарнинг воқеланишига сабаб бўлади. Яъни хитой тили фонида ўзбек тилида кўплаб лақуналар вужудга келади. Хитой тилида қавм-қариндошлик терминлари миқдор жиҳатдан кўплигининг сабабини Хуанг Жэфунинг фикрларидан олиш мумкин: “Анъанавий хитой маданиятида бирор бир оила қудрати кучайиб боргани сари, ундаги оила аъзолари сони ҳам кўпайиб боради, мана шу оила бой-бадавлат ҳаётга эришади. Аксинча, бир оила заифлашиб боргани сари, оила аъзолари ҳам сон жиҳатидан озайиб кетади, бу эса ўз ўрнида оиланинг таназзулга юз тутаётганлигини билдиради” [4, 128]. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қадимдан хитойликлар бой ва фаровон ҳаёт кечириш илинжида, оилада кўпчилик бўлиб жипс ва иноқ яшаш уларнинг қадрий одатига айланган. Турли қондошлик ришталаридан келиб чиқиб эса, оила аъзоларини фарқлаш мақсадида уларга алоҳида-алоҳида ном бериш талаб қилинган.

И.Исмоиловнинг ишларига кўра, ҳозирги замон ўзбек тилидаги қавм-қариндошлик терминлари ўзларининг келиб чиқиши ва маъносига кўра асосан учта катта гурпуга бўлинади:

1. Қон-қариндошлик терминлари: она, ота, амма, бува.
2. Никоҳдан кейин пайдо бўлган қариндошлик терминлари: эр, хотин, келин, овсин, қайин она, қуда хола, ўғай она.
3. Яқинлик номлари: тутинган она, тутинган қиз [5, 10-11].

Хитой тилида эса бундай терминларнинг таснифланиши ўзгачароқдир. Қадим замонлардан буён хитой жамияти анъаналари эркак киши марказ ҳисобланмиш патриархал қарашларга асосланган. Хитой жамиятида қариндошлик муносабатлари уч турга бўлинган: 宗亲 zōngqīn – бир уруғга мансуб (ота томондан) қариндошлар, 外亲 wàiqīn – она томондан қариндошлар ҳамда 妻亲 qīqīn – рафиқаннинг қариндошлари.

Ўғай фарзанд ва ўғай ота, иккинчи даражали рафиқаннинг ўғли, отанинг бош рафиқаси, қайнона ва қайнога (эрнинг ота-онаси), келин (ўғилнинг турмуш ўртоғи), овсин қабилар улар ўртасида қондошлик алоқалари бўлмасада, ота томондан қариндошлар турига киради [6, 7].

Аёл қавм-қариндошлик терминларидан табиийки, авваламбор “она” сўзини олсак, хитой адабий тилида 母亲 mǔqīn сўзи билан юритилади.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида она терминининг синоними сифатида ишлатилиб, онани улуғлаш, уни юқори даражага кўтариш, улуғ инсон, сиймо сифатида тасвирлаш жараёнида волида термини она термини билан баробар ишлатилади, дейди И.Исмоилов [5, 18]. Демак, 母亲 mǔqīn сўзини таржимада “она”, “волида” сўзлари билан беришимиз мумкин. Лекин хитой тилида қавм-қариндошлик ришталарини кўрсатувчи шундай ўзига хос мурожаат шакллари мавжудки, булар ўзбек тилида бўшлиқни ҳосил қилади.

Хитой тилида кавм-қариндошлик терминлари тизимида 谦称qiānchēng – камтарлик мурожаат сўзлари ва 尊称 zūnchēng – хурмат мурожаат сўзлари фарқланади. Камтарлик мурожаат сўзлари бу бошқа бир киши билан мулоқотда ўзи ёки ўзининг оила аъзоларининг камтарлик билан номлайдиган шакллари ҳисобланади. Хурмат мурожаат сўзлари эса бирор киши билан суҳбатда ўша суҳбатдошнинг оила аъзоларини хурмат билан номлайдиган сўзлардир [7, 1086 ва 1824].

Масалан, хитойликларда сўзловчи бошқаларнинг онасини 令堂lìngtáng, 老堂lǎotáng – “онажон” дея мурожаат қиладилар; бошқалар сизнинг онангизни 家慈jiācí, 家母jiāmǔ – “онажон” деб номлайдилар. Эътибор берадиган бўлсак, хитойликларнинг икки хил мурожаат шакли тўрт хил сўз билан ифодаланса, уларга эквивалент сифатида ўзбек тилида биргина “онажон” деган сўз берилаяпти.

Бундан ташқари, хитойликлар ўзининг вафот этган онасига нисбатан 妣bǐ, бошқаларнинг вафот этган онасига нисбатан 先慈xiāncí, 先母xiānmǔ сўзларини қўллайдилар. Мазкур сўзларни ўзбек тилида битта сўз билан ифодалаб бўлмайди, балки таржимада “вафот этган она” сўз бирикмаси билан бериш мумкин.

Она уруғларини ифодаловчи терминлар: 1) онасининг онаси; онасининг отаси; онасининг онасининг онаси; онасининг отасининг отаси; 3) онасининг онаси; онасининг акаси; 4) онасининг синглиси, онасининг укаси, иниси. Бу хилдаги бўлиниш чегарасини – онасининг онасининг онаси; онасининг отасининг отаси каби кўп поғонали қилиб давом эттириш мумкин [5, 75]. Ҳозирги ўзбек тилида мазкур тушунчалардан айримларининг номинатив бирликлари (хола, тоға) мавжуд бўлса, айримлари мана шу тарзда кўп поғонали сўз бирикмаси билан ифодланади.

Хитой тилида “буви” сўзининг ўзбек тилида лакуна ҳисобланмиш бир нечта шакллари кўришимиз мумкин. Масалан, а) ота томондан буви, яъни отанинг онаси – 祖母zǔmǔ, 奶奶nǎinai; б) она томондан буви, яъни онанинг онаси – 外祖母wàizǔmǔ, 姥姥lǎolao; в) бошқанинг бувиси – 令祖母lìngzǔmǔ; г) бошқаларнинг ўзининг бувисига нисбатан мурожаати – 家大母jiādāmǔ; д) вафот этган бувиси – 先大母xiāndāmǔ ёки 王妣wángbǐ деб юритилади.

Гувоҳи бўлиб турганимиздек, ўзбек тилидаги биргина “буви” сўзи хитой тилида мурожаат шаклига кўра беш хил кўринишда фарқланиб, хитой тилида фонида тўртта лакуна юзага келяпти.

Яна мисол учун “катта буви (момо)” сўзи хитой тилида:

а) ота томондан катта буви – 曾祖母zēngzǔmǔ, 太奶奶tàinǎinai; б) она томондан катта буви – 外曾祖母wàizēngzǔmǔ сўзлари билан ифодаланади.

Хитой тилида ҳатто ўзбек тилида номинацияланмаган “қиз неvara”, “қиз чевара” сўзлари ҳам қариндошлик ришталарига кўра фарқланади. Масалан,

а) ўғилнинг қизи, яъни ўғил томондан қиз неvara – 孙女sūnnǚ; б) қизининг қизи, яъни қиз томондан қиз неvara – 外孙女wàisūnnǚ; в) ўғил неваранинг қизи – 曾孙女zēngsūnnǚ; г) қиз неваранинг қизи – 外曾孙女wàizēngsūnnǚ.

Бевосита ўзбек тилидага таснифланишга кўра никоҳдан кейин пайдо бўлган қариндошлик терминларига келсак, улардан бири ҳисобланмиш ўзбек тилидаги “қайнона” сўзининг хитой тилидаги куйидаги лақналар шакллари кўриш мумкин: а) хотинининг онаси – 岳母 yuè mǔ, 丈母娘 zhàngmu[niáng]; б) эрининг онаси – 婆婆 pó pó, 婆母 pó mǔ; в) эрининг вафот этган онаси – 先姑 xiāngū.

Хитой тилида қариндошлик номлари 面称 miànchēng шахсий мурожаат сўзлари (масалан, қайнотага “адажон”, қайнонага “ойижон” каби мурожаат сўзлари) ва 背称 bèichēng расмий мурожаат сўзларига фарқланади [7, 59 ва 945]. Ўзбек лингвостановиятида ҳам “қайнона”га нисбатан оғзаки мурожаатда кўпинча “ойижон” шакли ишлатилади.

您要做个婆婆却容易；二弟尽可于结婚之后再出国。Nín yào zuò gè pó pó què róngyì; èr dì jìn kě yú jiéhūn zhīhòu zài chūguó [8, 43].

Сизнинг қайнона бўлишингиз осон, иккинчи укам имкон қадар уйланганидан сўнггина хорижга кетади.

Ўзбек тилида яна бир қатор лақналарни юзага келтирувчи қавм-қариндошлик тушунчаларидан бири бўлмиш “келинойи” сўзи қариндошлик алоқаларига кўра хитой тилида куйидагича фарқланади:

а) отанинг акасининг хотини, яъни катта амакиннинг хотини – 伯母 bómǔ, 大娘 dàniáng; б) отанинг укасининг хотини, яъни кичик амакиннинг хотини – 叔母 shūmǔ, 叔妈 shūmā; в) тоғанинг хотини – 舅母 jiùmǔ, 舅妈 jiùmā; г) аканинг хотини – 嫂子 sāozǐ; д) никоҳ тўйи маросимидаги янга келинойи 伴娘 bànniáng.

订婚以后，舅母以为未婚男女应当避嫌，他们的踪迹便疏远了。Dìnghūn yǐhòu, jiùmǔ yǐwéi wèihūn nǎnnǚ yīngdāng bìxián, tāmen de zōngjī biàn shūyuǎnle [8, 39].

Унаштирилгач, келинойим (тоғамнинг хотини) бўлажак келин-куёв шубҳалардан холи бўлиши керак деб ўйлаган эди. Шунда уларнинг қадами узоклашди.

Шу ўринда “келин” тушунчасини ифодалашда ҳам икки тил ўртасида лақналик ҳодисаси кузатилади:

а) уканинг хотини – 弟妇 dìfù ёки 弟媳 dìxí; б) ўғилнинг хотини – 儿媳妇 érxífù ёки қадимда 少奶奶 shàonǎinai; в) никоҳ тўйи маросими пайтидаги келин – 新娘 xīnniáng.

“Келин” сўзининг хитой тилидаги уч нафар 儿媳妇 érxífù, 少奶奶 shàonǎinai, 弟妇 dìfù лақналар бирликларини хитой ёзувчиси Бинг Синнинг “Аёл ҳақида” асаридagi “Мени “бобой” деб атовчи келиним” ҳикоясида кўришимиз мумкин.

我常对我的父亲说：“别人家走的都是儿子的运，我们家走的却是儿媳妇的运，您看您这三位少奶奶，看着叫人心心里多么痛快！”Wǒ cháng duì wǒ de fùqīn shuō: “Bíerén jiā zǒu de dōu shì érzi de yùn, wǒmen jiā zǒu de què shì ér xífù de yùn, nín kàn nín zhè sān wèi shàonǎinai, kànzhè jiào rén xīnlǐ duōme tòngkuài!” [8, 39].

Мен кўпинча отамга шундай дердим: “Ўзгалар ўғилнинг омади бўлади, лекин бизнинг оила келинлар (ўғил келинлар)нинг омадидир. Қаранг, мана бу уч келинингизни кўрганда кишининг дили нақадар қувонади-я!”

我的二弟妇，原是我的表妹，我的舅舅的女儿，大排行第六，只比我的二弟小一个月。Wǒ de èr dìfù, yuán shì wǒ de biǎomèi, wǒ de jùjiù de nǚ'ér, dà páiháng dì liù, zhǐ bǐ wǒ de èr dì xiǎo yīgè yuè [8, 39].

Иккинчи келиним (иккинчи укамнинг хотини), аслида жиян синглим, тоғамнинг олтинчи фарзанди бўлади. Укамдан атиги бир ойгина кичик.

Ўзбек тилида ном берилмаган қариндошлик сўзларидан бири бу “қиз бола жиян” тушунчаси бўлиб, мазкур тушунча хитой тилида бир неча шаклда, а) ака ёки укамнинг қизи, яъни ака ёки ука томондан қиз бола жиян – 侄女 zhīnǚ; б) опа ёки сингилнинг қизи, яъни опа ёки сингил томондан қиз бола жиян – 甥女 shēngnǚ; в) хотинининг ака-укасининг қизи – 内侄女 nèizhīnǚ; г) хотинининг опа-сингилсининг қизи – 内甥女 nèishēngnǚ; д) эрининг ака-укасининг қизи – 外侄女 wàizhīnǚ деб юритилади.

Ўзбек тилидаги қайин бўйин қариндошлик термини сифатида эрининг акасининг, опасининг, шунингдек, хотинининг акасининг, опасининг болаларига нисбатан умумлаштирувчи, жамловчи термин сифатида ишлатилади [5, 125]. Хитой тилида эса бундай жамловчи термин мавжуд бўлмай, “қайин бўйин” термини лакунар birlik ҳисобланади.

Ифодаланишига кўра, ўзбек тилидаги отаси ва онасининг туғишган ака, ука, опа, сингилларининг болаларини ифодаловчи терминларни қуйидагича классификация қилиш мумкин; ф) онасининг опаси ва сингилсининг (ўзига нисбатан хола) акаси ва укасининг (ўзига нисбатан тоға) болаларининг унинг жинсидан ва ёшидан қатъий назар, умум термин – қўшма сўз билан ифодаловчи туркий [5, 91-92] тилга ўзбек тилини киритиш мумкин. Ўзбек тилидаги бу термин асососан араб тилидаги хола ва форс-тожик тилидаги бачча / вачча сўзларининг қўшилишидан таркиб топгандир. Онасининг акаси ва укасининг болаларини ифодалаш учун эса туркий сўз тоға ва форс-тожик тилидаги вачча сўзининг қўшилишидан ҳосил бўлган тоғавачча термини ишлатилади. Катта, кичик қиз ёки ўғил холавачча ёки тоғавачча формаси ўзбек тили учун жинсни кўрсатиб келган шакл бир оз сунъийроқдир. Чунки ўзбек тилидаги терминларнинг бундай аниқловчи формаси ишлатилмайди ёки кўринмайди. Бунинг ўрнига катта холамнинг қизи; кичик тоғамнинг ўғли деб айтиши мумкин. Бу ҳолда, албатта, вачча сўзи ишлатилмайди [5, 92].

Қавм-қариндошлик терминларидан мана шу турда ясалган сўзларга эса хитой тилида алоҳида-алоҳида муқобил вариантлар мавжуд эмас. Масалан, 表妹 biǎomèi сўзи амма, тоға, холанинг ўзидан ёши кичик бўлган қизини кўрсатади. “Тоғавачча” сўзида жинс ва ёш хусусияти анланмасада, қариндошлик ришгаси аниқ кўринади, яъни онанинг акаси ёки укасининг фарзанди. 表妹 biǎomèi сўзида эса аксинча, жинси, ёши кўрсатилган, лекин қариндошлик муносабати аниқ эмас. Мана шу ҳолатда икки хил формадаги лакунага дуч келамиз.

Ўзбек тилидаги бу амакивачча, аммавачча, тоғавачча ва холавачча терминлари сингари шахснинг жинсини ва ёш жиҳатидан бўлган фарқини, отасининг опаси ёки синглизининг боласи эканлиги кўрсатилмайди. Шунинг учун ҳам жинсини кўрсатиш учун ўғил, киз аниқловчилари III шахс бирлик, эгалик аффикси –и билан, ўғли, кизи формасида, ёши ва отасининг опасининг боласи билан синглизининг боласини кўрсатиш учун амма ва амакасига нисбатан катта, кичик аниқловчилари билан аниқланган ҳолда катта аммамнинг ўғли; кичик аммамнинг катта қизи; кичик амакимнинг кичик ўғли каби формаларида ифодаланиб келади. Бу формада у шахсни бирор бегона кишига таништириш мақсадидагина қўлланилади. Акс ҳолда, катта бўлса ака, опа, кичик бўлса ука, сингил терминлари ёки шахсий отини айтиб мурожаат қилаверади. Хитой тилида ҳам худди шундай ҳолатни кузатамиз. Яъни юқорида кўриб чиққанамиз каби, икки хил расмий ва оғзаки муроҷжат шаклларида келиб чиқиб, ўзбек тили каби оғзаки нутқда ака, опа, ука, сингил ва шахсий исмларни қўллаш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни кўрсатиш мумкинки, хитой ва ўзбек тилларида қавм-қариндошлик терминларини ифодалашда бир қатор ўзбекча-хитойча лақуналар, яъни хитой тили фонидagi ўзбекча лақуналар воқеланади. Бунга сабаблардан бири сифатида қадимдан анъанавий хитой оиласининг неча поғона авлод ва неча ён қариндошлик бўйича оила аъзоларининг бир оилада турмуш кечиришидир. Лекин шу ўринда айтиш керакки, анъанавий ўзбек оиласида ҳам ота томондан қариндошлар бир хонадонда истиқомат қиладилар. Яна бир омил тариқасида Гулинигор Аҳадий хитой тилида қавм-қариндошлик терминларининг мураккаблиги, миқдорининг кўплиги хан миллати маданиятида узоқ тарихга эга “эркакни устун қўйиб, аёлни писанд қилмаслик” каби ижтимоий ҳодисаси мавжуд бўлган [4, 128] лигидан деб билади. Ҳақиқатдан ҳам, қавм-қариндошлик терминларининг хитой тилидаги таснифи бўйича бир уругга мансуб (ота томондан) қариндошлар гуруҳига кирувчи терминлар, она томондан кирувчи терминларга нисбатан анча кўпроқдир.

Адабиётлар:

1. Конфуций. Сухбат ва мулоҳазалар / М. Махмутходжаев, Н. Исматуллаева таржимаси / . – Т.: Янги аср авлоди, 2014.
2. Усманова Ш.Р. Таржиманинг лингвотармавий аспекти (дарслик). – Т.: ТошДШИ, 2017.
3. Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: БГПУ, 2003.
4. 古丽妮孜尔-艾海提. 汉、日、维吾尔语亲属称谓的对比. – 吉林: 吉林省教育学院学报, 2015, 06 (31).
5. Исмоилов И.А. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. – Т.: Фан, 1966.
6. 胡士云. 汉语亲属称谓研究 (博士学位论文). – 暨南: 暨南大学, 2001.
7. 现代汉语词典 (第5版). – 北京: 商务印书馆, 2005.
8. 冰心. 关于女人 (汉英对照). – 北京: 外语教学与研究出版社, 2012.